правления Аббасидов и Омеядов. Материал дается на основе тазкиры «Машҳур хотунлар» (“Выдающиеся женщины”) XIX вв.

Ключевые слова: *музыка, музыкальный инструмент, музыкант, источник, Омейяды, Аббосиды, стихотворения, способность, наставник, нота*.

M. Eshmuhamedova

About tazkira “Famous women” in which they discribed

This article deals with the historical women who lived in the period of Abbasids and Omeyads (halifa) and contributed a lot in the development of human`s society. These women were famous. The information is based on the reference manual “Famous women” that belonged to the 19th century.

Key words: *music, musical instrument, source, the* Omeyads, *the Abbasids, poem, ability, advisor, note.*

Ш. Аҳмедова

Кувайт адибалари ҳикояларида тадрижий ривож

Кувайтда, умуман, Форс кўрфази ҳудудидаги араб мамлакатларида аёллар ижодининг пайдо бўлиши, энг аввало, аёлларнинг таълим олиши ва умуман, мамлакатда таълим тизимининг кенгайиши билан боғлиқ. Агар Миср, Сурия, Ливан, Ироқ, Фаластин каби араб мамлакатларида аёллар адабиёти етарли даражада ривожланган ва XX асрнинг бошидаёқ Мей Зияде, Ойша Теймур, Бинт аш-Шотий (Ойша Абдурраҳман), Фадва Туркан, Нозик ал-Малаика каби адабиётчи аёллар сиймосида кўплаб ўзининг йирик вакилаларига эга бўлган бўлса, Форс кўрфазидаги араб мамлакатларида бу ҳодиса XX асрнинг биринчи ярмида камдан-кам учрайдиган ҳол эди. Бу эса, мазкур ҳудудда аёллар орасида ижод билан машғул бўлган зиёлилар мутлақо бўлмаган экан, деган маънони англатмайди, уларнинг аксарияти оғзаки ижод қилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Кувайтда қизлар жамоавий таълим олиши Баҳрайндан ўн йил кейинроқ 1937 й., Қатарда 1954 й., Араб Амирликларида 1955 й., Саудия Арабистонида 1960 й., Уммонда 1970 йилда жорий қилинган. Таълим тизимини жорий қилишдаги фарқланишга қарамай, аёлларнинг илк ижод намуналари ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарида пайдо бўлди, шунингдек, Ибтисом Абдуллоҳ Абдуллатифнинг «Қизчанинг

хотиралари» деб номланган мемуарлари 1948 йил Қоҳиранинг «Кувайт» нашриётида чоп этиладиган «Ал-Бааса» ойномасида нашр этилган [2].

«Араб адибалари қомуси» [7: 205–323] маълумотларига кўра, нашр бўйича Кувайт аёл ижодкорлари бошқа мамлакатларга нисбатан кўпроқ бўлган 60-йилларнинг бошларида нашр ва публицистиканинг авж олиши муносабати билан Форс кўрфази мамлакатлари рўзномалари аёллар муаммолари учун махсус саҳифа ажратди, вақти-вақти билан у ерда аёл ёзувчиларнинг қисқа ҳикоя, шеър ва адабий мақола кўринишидаги ижоди намуналари берилиб турарди. Форс кўрфазининг мамлакатларида аёллар ижодида Кувайт, Баҳрайн, Саудия Арабистони давлатларида алоҳида девонлар кўринишидаги нашрлар 50-йилларнинг охири – 60-йилларнинг бошида чиқарила бошлади, 70-80-йилларда эса булар қаторига Қатар, Араб Амирлиги ва Уммоннинг адибалари қўшилдилар.

Адабий жанрлар масаласида аёллар кўпроқ шеърлар ва ҳикоялар машқ қилишни афзал кўрардилар. XX асрнинг охирига келиб, Халиж араб мамлакатларида 113 та шеърий девон, 115 та новеллалар тўплами, 64 та роман нашр этилди .

«Араб адибалари қомуси»даги «Кувайт» бўлимида ёзувчи аёллар ижодида ҳикоянавислик 80-йилларнинг иккинчи ярмида энг юқори чўққига кўтарилганлиги қайд этилади. Бу гуллаб-яшнашнинг ёрқин мисоли Лайло Усмоннинг 4 та ҳикоялар тўплами [8; 9; 10; 11], Фотима Али, Сурайё ал-Бақсамий, Лайло Муҳаммад Солиҳ, Муна Аш-Шофеъий ва Амина Шоиб асарлари тўпламлари ҳамда Бизза ал-Ботинийнинг илк тўпламлари нашр этилди [7].

Замонавий Кувайт ҳикоянавислиги шаклланиши ва ривожланишида адибаларнинг фаол ижоди алоҳида ўрин тутади. Лайло ал-Усмон, Сурайё ал-Бақсамий ва Фотима Юсуф Али бошчилигидаги ёзувчи аёлларнинг асарлари араб ҳикоянавислигининг олтин фондига кирди. Ҳикояларнинг мавзу доираси, янги бадиий инновациялар, ўзига хос образлар ва Янги баён шаклларини яратиш борасидаги изланишлари Кувайт ҳикоянавислигини бойитиш имкониятларини кенгайтирди.

80-йиллар Кувайт аёллар ижодига бой бўлди. Ҳикоялар мазмун жиҳатидан оила ва жамиятда аёлнинг тутган ўрни ва шу масала билан боғлиқ муаммолар, ижтимоий ислоҳотлар мавзусига бағишланган. Уларнинг айримларида романтик хомушлик ҳам мавжуд бўлиб, бунга Хайфа Ҳошимнинг «Даҳшатли қасос» (1952) ҳикояси мисол бўлади [5].

Ҳадая Султон ас-Салим ҳикоялари қаҳрамонларининг севги ва бахт йўлларида урф-одатлар тўсқинлик қилади, улар тақдирдан нолиб, ўз муҳаббати ва ғурури учун курашишга ҳаракат ҳам қилмайдилар. «Ёмғирсиз куз» ҳикоялар тўпламига кирган «Мен уни кўрдим» [15: 7–16], «Аланга»

[15: 32–43], «Алангадан кучли» [15: 44–53], «Хазон бўлган умрим» [15:53–61] каби ҳикоялар шулар жумласидандир.

Хадая Султон ас-Салимнинг барча қаҳрамонлари қанчалик суст ва оила қурбони бўлишмасин, китобхоннинг эътиборини аёлнинг жамиятдаги ўрнига, айниқса, ажрашган аёлнинг аянчли аҳволига қарата олдилар. «Хазон бўлган умрим» ҳикоясининг қаҳрамони ўз муҳитидан ажралиб қолган. Унинг истакларини ҳеч ким ҳисобга олмайди, ота-оналари биринчи учраган харидоргаёқ турмушга беришга тайёр. Хадая Султон ас-Салим ўзининг бундай қаҳрамонларининг ҳаётини ҳосилсиз ва мевасиз, ёмғирсиз кузга қиёслайди. (خريف بلا مطر («Ёмғирсиз куз») ҳикояси). Хадая Султон Салим ҳикояларида энг кўп қўлланилган услуб ретроспектив услуб бўлиб, бунда ҳикоя персонажлари ўз ўтмиши ҳақида сўзлаб берадилар ёки ўзларининг хотиралари орқали ўтган ҳаётига қайтадилар.

Машҳур Кувайт танқидчиси Иброҳим Абдуллоҳ Ғалумнинг фикрича, 60-йилларда Хадая Султон Салим ва унинг замондошлари аёл муаммосига романтик нуқтаи назардан ёндашади. Бунда қаҳрамон анъаналар билан курашга ҳаракат қилиб, улар олдида ожизлигидан тўхтаб қолади. Худди шу каби унинг барча шахслари романтик нуқтаи назардан ёритиб берилади. Бунда ёзувчи аёл учун ёлғизлик ҳиссиёти, қайғули тун, куз, саҳро, олов, алам-ситамлар, қийинчилик ва бошқа образли вазиятларни назарда тутади [12].

80–90-йилларда аёллар муаммоси ёритилган ҳикоялардаги ёзувчилар бадиий онгининг ўсиши билан бир қаторда, ўзини шахс сифатида англовчи, ўз имкониятлари, ўз мустақиллигини баҳолаш қобилиятига эга бўлган ўзга Кувайт аёлининг образи вужудга келади.

Масалан, Мунир Насифнинг «Умид саройининг қулаши» (« و انهارات قصور الأحلام») номли ҳикоясининг қаҳрамони юқоридаги фикрга мос келади [14: 123–920]. У ўзи учун кураша оладиган аёл. Унинг эри ошиғи олчи тадбиркор бўлиб, у тараққиёт мевалари, янги технология ва янги бозор муносабатлари қонунларига жуда тез мослаша олади. Унинг бутун умри офисда пул кетидан қувиб ўтади. Кечқурун эса дўстлари даврасида қаҳвахона ва ресторанларда улфатчилик қилади. У оиласини буткул ташлаб қўйган. Биргаликдаги ҳаётининг дастлабки даврида унинг оёққа туришига ёрдам берган, эндиликда унинг бефарқлигидан таҳқирланган хотини болаларини олиб, эрининг уйидан чиқиб кетади. Ана шундагина бутун умри мазмунини бойлик орттиришда, деб билган ҳикоя қаҳрамони оила ўчоғи сўнган уйда одам қанчалик ёлғиз ва кераксиз бўлиши мумкинлигини ҳис қилади.

Таъкидлаш лозимки, бу ҳикояда маҳаллий одат ва миллий руҳга ҳеч қандай ишора йўқ. Содир бўлган воқеа курраи заминнинг барча бурчагида рўй бериши мумкин.

Лайло ал-Усмон, Фотима Юсуф Алининг ҳикоялари қаҳрамонлари ҳамда Сурайё ал-Бақсамийнинг 90-йиллардаги зиёли қаҳрамонлари мазкур ёзувчиларнинг илк ҳикояларидаги заиф аёл қаҳрамонларидан тамоман фарқ қилади. Ҳозирги кунда ҳам муваффақиятли ижод қилаётган катта авлод ёзувчилари Лайло ал-Усмон, Сурайё ал-Бақсамий, Фотима Юсуф Али, Лайло Муҳаммад Солиҳ, ўрта авлод вакилалари Бизза Ботиний, Муна аш-Шофеъий, Алия Шаиблардан эстафетани Хабба бу Хамсин (1977 й. туғ.), Мейд Муҳаммад аш-Шарад (1977 й. туғ.), Латифа Батиз ва бошқа иқтидорли ёш ёзувчи аёллар қўлга олдилар.

Биз Лайло ал-Усмон, Сурайё ал-Бақсамий ва Фотима Юсуф Али ҳикояларидаги баён услубларини таҳлил қилар эканмиз, улар ўз ичига қанча-қанча инсонларнинг ҳаётидан эпизодлар ва вазиятлар, характерлар, тафсилот-деталларни мужассамлаштирганини кўрамиз. Адибалар бадиий воситаларни самарали истеъфода қилиб воқеликни вақт ва масофа жиҳатдан эркин ўзлаштиришга эришганлар. Улар танлаган баён шакллари инсон ички дунёсига кириб боришга, мураккаб хислатлар ва хусусиятларга бой, доимо ҳаракатдаги, шаклланаётган ёки ривожланаётган характерларни очиб беришга имконият яратиб беради.

Адибаларнинг асарларида ҳикоячининг намоён бўлиши муҳим роль ўйнайди. Бу инсон бадиий ифодасини ўзига хос шаклидир. Ҳикоя қилувчи муаллиф ўқувчи-китобхон ва тасвир қилинаётган нарсалар ўртасида воситачи ролини бажариб, ҳодисалар шоҳиди ва шарҳловчисига айланади.

Ҳикоячи нутқи нафақат тасвирий, балки ифодавий аҳамият касб этиб, у фақат объектни эмас, балки баёнчи ўзини таърифлайди. Шунинг учун ҳам адибаларнинг воқеликка ёндошишида ва унинг бадиий инъикосида ўзларига хос шаклларни кўрамиз, асарларида дунёқарашлари ва фикрлаш йўлларини муҳрланганлигини англаймиз. Адибалар камдан-кам ҳолда ўз асарларида воқеа-ҳодисаларга ташқаридан назар ташлаб уларни лоқайдлик билан сўзлаб берувчи муаллиф сифатида намоён бўладилар. Улар илк ҳикояларианоқ персонаж ва муаллиф ўртасида муайян масофа мавжуд бўлишига қарамай, воқеаларга ва персонажларни ҳатти-ҳаракатига ўз муносабатларини билдириб, асарга мушоҳада ва мулоҳазаларини киритиб боришади.

Масалан, Сурайё ал–Бақсамийнинг 70-йилларда матбуотда эълон қилинган ва кейинчалик «Қора тер» (1977) тўпламига жамланган илк ҳикояларини таҳлил қилиш ёзувчининг ўз ижодини ижтимоий-маиший ҳикоялар ёзишдан бошлагани ҳақида хулоса қилиш имконини беради [6]. Бу ҳикоялар денгиз бўйида яшовчи одамларнинг ҳаётини тасвирловчи реалистик лавҳалардан иборат бўлиб, баъзиларида муаллифнинг бир қадар узун мулоҳазалари хам учраб туради. Ёзувчининг «Қора тер» [6: 53–61] ва

«Мулла» [6: 127–138] ҳикоялари шулар жумласидандир. Бу ҳикояларда қийин вазиятга тушиб қолган ўсмирларнинг саргузаштлари ҳикоя қилинади.

Адибанинг мазкур («Мулла») ҳикоясида мулланинг раҳмсизлиги ўқувчи Салимда норозилик ва ҳақоратлар учун қасос олиш истагини туғдиради. Унинг болаларча шўхлиги домланинг ғазабини жунбушга келтиради ва у боланинг аъзойи бадани моматалоқ бўлгунича шафқатсиз равишда калтаклайди. Аламига чидолмаган Салим саҳро орқали ўз савдо ишлари билан кетган отасининг ортидан Басра шаҳрига қочиб кетади. Саҳрода адашиб қолган болани бадавийлар оиласи топиб олади ва унинг ота-онаси келгунича парвариш қилади. Салим сершовқин шаҳарга қайтади. Лекин саҳродаги эркин ҳаёт ва меҳмондўст бадавийлар оиласидаги ҳукмрон самимият бир умр унинг қалбида сақланиб қолади.

Ҳикоя ўғил боланинг ички монологи сифатида ёзилган бўлиб, у ўрни келганда диалоглар билан алмашинади. Қаҳрамон монологи ёзувчига ўз қаҳрамони ички ҳиссиётларини ишончли тасвирлаш ва унинг руҳий қиёфасини яратиш имконини беради. Ҳикояда кичик шаҳарчадаги ҳали иқтисодий талатўп ва таълим соҳасидаги ислоҳотлар етиб келмаган эски мактаб тасвирланади. Ваҳоланки, Кувайтнинг йирик шаҳарларида шу даврда таълим ислоҳоти бўлиб ўтиши натижасида Кувайт замонавий таълим усуллари ва замонавий технологияга анча яқинлашиб қолган эди

Ўсмир руҳиятини бутун нозикликлари билан ҳис этиш маҳорати ёзувчининг “Қора тер” ҳикоясида яққол намоён бўлади. Айнан шу ҳикоя адибага 1971 йилдаги маданият фестивалида нуфузли мукофот келтиради. Бу ҳикоя отасининг вафотидан сўнг оиладаги катта фарзанд бўлган болага “мерос” қолган касалманд она ва бешта оч-яланоч укаларини боқиш ташвишидаги ўсмир ҳақида. У оилада ягона боқувчи бўлиб, дўкон соҳибига югурдаклик қилади. Бўш вақтларида у денгиз суви пасайишида марварид чиғаноқларини умид билан излайди. У қўллари шилиниб кетса ҳам ҳар бир чиғаноқни машаққат билан очиб кўради. Лекин қимматбаҳо марварид унга учрамайди. Қалбидаги умид чечаклари ўрнини надомат тиканлари эгаллайди. У гўё уни шарпалар таъқиб этаётгандек қоронғиликдан қўрқади, чунки бу ерда денгизда ҳалок бўлган ва одат бўйича кўмилмаган денгизчилар руҳи тинчланмасдан дарбадарликда тўзғиб юргани тўғрисида кўп ривоятлар эшитган. Шунинг учун ҳар бир шарпа ва шитирлаш уни қўрқувга солади. Кўз ўнгимизда оила боқувчиси эмас, балки қўрқувдан даҳшатга тушаётган ва ҳимояга муҳтож чорасиз ёш бола гавдаланади. У она кўксидан ўзига паноҳ излайди.

Ҳикояни ўқир эканмиз, шунга ишонч ҳосил қиламизки, Сурайё ал-Бақсамий қисқа ҳикоялар ёзиш усулини эрта эгаллаган. У ўқувчини

ҳайратга солувчи кутилмаган якун топувчи ҳикояларни ижод қилади. Бу хусусият “Қора тер” ва “Мулла” ҳикояларидаёқ намоён бўлди.

Адибанинг иккала ҳикояси ҳам монолог тарзида ёзилган, яъни ўспирин ёшлар ўз ҳаётидаги эпизодлар тўғрисида ҳикоя қилади. Умуман олганда, Сурайё ал-Бақсамий ва Лайло ал-Усмоннинг аксарият ҳикоялари биринчи шахс номидан ёзилиб, одатда, ҳикоячи персонажлар ўз кайфияти ва дунёқараши билан муаллифга анча яқин туришади, ваҳоланки ҳаётидаги мавқеи, тақдир, жамиятда тутган ўрни анча фарқ қилса ҳам.

Мана шундай қаҳрамонни биз Лайло ал-Усмоннинг “Фатҳия ўз ўлимини танлайди” ҳикоясида учратамиз [11]. Биринчи шахс номидан баён қилинаётган аёл ёшлигида бўлиб ўтган даҳшатли воқеани эслайди, у ҳам бўлса опаси – ўспирин қиз Фатҳияни онаси калтагидан шикастланиб ўлиши. Бу кам учрайдиган ҳодиса оилада тинч, тотув ҳаёт бўлмаганидан келиб чиқади. Улғайиб, бахтли ҳаёт қурса ҳам, оиласида энг кичик қиз бўлган ҳикоя қаҳрамони ота-она жанжалларини, бу жанжалларда шаллақи онанинг устун келиши, бу ваҳший аёл онаси билан биргаликда ёввош эрини болалари олдида ерга урган саҳналар хотирасидан бирма-бир ўтади.

Фатҳиянинг ота-онаси ажралишга бордилар. Мусулмон одатига кўра, оила ажралишганда болалар отанинг оиласида қолдирилади, бироқ икки томоннинг розилиги билан улар етти ёшгача онаси билан яшаши мумкин, кўпинча шундай бўлади ҳам. Бироқ Фатҳиянинг онаси 4 та қизини эрига ташлаб, яна турмушга чиқиб кетади, аммо одамларнинг гап-сўзидан қўрқиб, яхши кўриниш учун ҳафтада бир марта у қизларни уйига олиб кетар, бу ташрифлар қизлар учун дўзахга тушгандек туюларди. Онанинг меҳри ўрнига улар ҳақоратланар, баъзан эса бу ёвуз аёл томонидан калтакланар эди. Иродасиз киши бўлган ота собиқ хотиннинг зўравонлигига чек қўёлмас ва қизларни онаси билан учрашувга ночор олиб борар эди. Фатҳия қатъий характерли қиз бўлганлиги учун, бунга чек қўймоқчи бўлади ва касаллигини баҳона қилиб онасининг уйига бормайди. Асабий аёлни иккинчи ўсмир қизининг ўжарлиги қутуртириб юборади ва у қизини эркалашлар ва совғалар билан алдаб, уйига олиб келади. Она эркалашларидан маҳрум бўлган қиз бу алдовларга чиппа-чин ишонди. Уйида эса аёл қутуриб, отасини қарғаб, қизни ура бошлади. Бошқа учта қиз бир бурчакка бекиниб, қўрқувдан қалт-қалт титирарди, фақат ерда чалқанча ётган Фатҳия оёқ ва қўллари билан унинг зарбаларини қайтарар эди. Ғазабидан эс-ҳушини йўқотган она охир-оқибат уни ўлгунча калтаклайди.

Бу ҳикоянинг композициясида икки сюжет чизиғи кузатилади. Улардан бирида – баён қилувчи қаҳрамон номидан опаси Фатҳиянинг тарихи сўзлаб берилади. Бу чизиқ тугун ва ечимга эга. Иккинчиси – ўша қаҳрамон аёлнинг катта бўлганида хотираларга ундовчи ҳаётидан бир

эпизод-лавҳадир. Бу икки сюжет чизиғи ўзаро алмашинади, натижада ҳеч қандай мантиқий тайёргарликсиз вақт ва маконда кўчиш рўй беради. Адиба кино кадрларидаги коллаж усулини қўллаб, кейинчалик фрагментларни қўшиш билан шуғулланади.

Баъзан воқеабанд сюжет қаҳрамонининг ички монологига ўрин бўшатади. Бу монолог турмушида бахтли бўлса-да, ҳали ҳануз Фатҳиянинг ўлимини эслайдиган ёш аёл изтироблари хотираларидан иборат. У Фатҳиянинг синглиси бўлиб, опасига ўша даҳшатли дамда ёрдам беролмагани учун ўзини айбдор ҳис қилади. Бу ҳис-туйғу бутун улғайиши давомида уни холи қўймайди ва қаҳрамон аёлнинг хотираларининг қуйилиб келишига сабаб бўлади. Бунга ўхшаш ҳолат ассоциатив англаш, «беихтиёр хотира», онгости тушунчаси билан ғарб адабиётида яхши танишдир. Бу усул Флобер, ака-ука Гонкурлар ва айниқса, Ғарбий Европа модернизмининг отаси Марсель Пруст ижодида учрайди [4; 3]. Масалан, чойга берилган бир бўлак бисквит М.Прустнинг қаҳрамонида бир олам хотиралар уйғонишига сабаб бўлади (“Йўқолган вақтни излаб”) [3].

Танқидчилик “Фатҳия ўз ўлимини танлайди” ҳикоясига юксак баҳо берди. “Дар аш-шуруқ” нашриёти бу ҳикояни шу номли тўплам шаклида нашр қилар экан, қуйидагиларни таъкидлайди: «Бизнинг қаршимизда танлаш имкони қолмаганда, ҳаёт хайрихоҳ бўлмай, оёғимиз остидаги йўл оловли сўқмоққа айланганда, бизнинг олдимизда ўлим шарпаси кўзга ташланади. Фатҳия ўз ўлимини танлади [11].

Бироқ Фатҳиянинг сиймоси унинг ўлимига қарамай гўзаллигича қолди. Чунки у инсоний, юксак бадиий даражада яратилган ва сўнмас гўзаллик билан тобланган эди.

Ҳикоянинг сўзлари адибанинг маданияти ва кенг дунёқарашини акс эттириб, ўзига хос шеърий жозибага йўғрилган.

Шундай қилиб, Лайло ал-Усмон ўзининг “Фатҳия ўз ўлимини танлайди” номли ҳикояси қаҳрамони – ёш аёл билан ҳамдард ва ҳамнафас бўлиб, унинг хотиралари орқали Фатҳиянинг фожеасини баён қилади. Бу хотиралар ассоциатив ўхшатишдан бошланиб, ҳикоя давомида ҳаракатларга бой ҳодисалар мулоҳазали монологлар билан алмашади.

Ассоциациялар билан фикрлаш, ички монолог, онг оқими, коллаж усули – бу воситаларнинг барчасидан адиба бошқа ҳикояларида ҳам фойдаланади. Бу унинг замонавий бадиий адабиёт усуллари билан таниш эканлигини билдиради. Бироқ булар Кувайт адабиёти учун янгилик бўлиб, Лайло ал-Усмон мазкур янги усулларни Кувайт адабиётига биринчилардан бўлиб татбиқ этди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Лайло ал-Усмон араб жамияти олдидаги улкан хизматлари учун 2009 йилда Байрутда «Араб аёллари ассоциацияси» томонидан таъсис этилган махсус мукофот билан тақдирланди.

Кувайт ҳикоянавислигининг яна бир ёрқин намояндаси Фотима Юсуф Али ҳам ўз услубига, ўз бадииятига эга адиба бўлиб, у кўп қиррали қалам соҳибасидир. У фаол ижтимоий арбоб, истеъдодли журналист, ҳассос ёзувчи.

Қароргоҳи Қоҳира шаҳрида жойлашган "Араб мамлкатлари аёллар бирдамлиги жамияти" муассаси кенгашининг муносиб аъзоси бўлмиш Фотима Юсуф Али асарлари миқёсида "аёл муаммоларининг жўшқин куйчиси" сифатида танилди ва эътироф этилди.

Фотима Юсуф Али адабиёт оламига 70-йиллар бошида кириб келди ва тез орада хассос ижодкор сифатида ном таратди. У бир нечта ҳикоялар тўпламларининг муаллифидир. Ушбу тўпламлар ичидаги "Та марбута" тўплами унинг шоҳ асари ҳисобланади [13].

Тўпламнинг барча ҳикоялари бир мавзуга, яъни Кувайт аёлининг оила ва жамиятда тутган ўрнини кўрсатишга бағишланган. Адибанинг ҳикояларида аёл марказий шахс бўлиб гавдаланар экан, унинг саъйи-ҳаракатлари, фазилатлари, ички озодлиги, фаол ва мустақил инсон бўлиши, ўсиб келаётган ёш авлод тақдирига таъсир кўрсатади. Бу ҳақиқатни биз адибанинг мазкур тўпламдан ўрин олган «Аёлнинг оғриқлари босилмайди» (اوجاع امرأة تهدأ) ҳикояси [13: 26–38] мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Мазкур ҳикоя марказида Лубна исмли аёлнинг ота-онасининг бағрида ўтган болалиги ва турмушга чиққанидан сўнг, ўз фарзандлари билан бўлган мураккаб муносабатлари кўрсатиб берилган. Ҳикоянинг қаҳрамони Лубна чамаси 50 ёшлар атрофидаги чиройли, мафтункор ва бой аёл бўлиб, насл-насабли авлодга мансубдир. У таниқли адиба бўлиб, унинг бир нечта китоблари нашр қилиниб, асарлари шуҳрат қозонгандир. Бевақт вафот этган эридан унинг 2 фарзанди, яъни 20 ёшли қизи ва талаба ўғли бор. У эрининг вафотидан сўнг бошқа турмуш қурмаган. Лубна «озод аёл» маъносини ўзича тушуниб, ҳаёт неъматларини ҳамма нарсадан устун қўяди. Маишатга берилиб, бир қанча жазманлар орттирган. У ўз уйини номигагина адабиёт вакиллари учрашадиган маскан қилиб, баҳонада турли корчалонлар, нопок инсонлар йиғиладиган ишратхонага айлантирган. Онасининг бу ҳатти-ҳаракатидан фарзандлари норози бўлишиб, қўни-қўшни, таниш-билиш олдида ор-номусдан бош кўтаролмай қолишган. Лекин хулқ и айниган худбин она ўз ҳирсларига қул бўлиб, нафсини қондириш, эҳтиросларга берилишни ҳамма нарсадан устун қўяди. Оқибатда қизи онасидан узоқлашади, ўғли эса, талабалар ётоқхонасига бутунлай кўчиб ўтади.

Ўғил ўз онасидан хабар олгани умуман келмайди. У ёзда ишлаб амаллаб пул топиб, ўқишининг шартнома пулини ҳам ўзи тўлайди. Онасидан ёрдам ҳам сўрамайди, чунки онасининг кечираётган ҳаёти унда фақат нафрат уйғотади.

Ушбу ҳикояда адиба маълум даражада қувайт жамиятининг бой қатламларига хос бўлган баъзи иллатларни очиб беради: иккиюзламачилик, қўшхотинлик, мунофиқлик, аҳлоқий бузуғчилик ва ҳоказо.

Адиба ўз асарларида асосан аҳлоқий масалаларга катта эътибор беради ва биринчи навбатда аёлнинг ҳуқуқи, унинг оиладаги, жамиятдаги тутган ўрни билан боғлаб тасвирлайди.

Фотима Юсуф Алининг бадииятига тўхталадиган бўлсак, унинг асарлари тили лўнда, ифодавий-тасвирий воситалари нисбатан кам. У бутун эътиборини қаҳрамоннинг ички дунёси таҳлилига ва унинг ҳатти-ҳаракатига қаратади, психоанализга урғу беради.

Адибанинг “Аёлнинг оғриқлари босилмайди” ҳикояси ретроспектив сюжетга эга. Ҳикояда Лубнанинг бўлинган эсдаликлари (хотиралари орқали) баён этилади. Бўлинган эсдаликлар ҳикоя композицияси қисмларини ташкил қилиб, ҳар бир қисм ўз сюжетига (воқеалар силсиласига) эга. Ҳар бир қисмнинг воқеа ҳодисалари турли макон ва замонда рўй беради, Масалан Лубнанинг ёшлиги ва ўша пайтда содир бўлган воқеа-ҳодислар, улғайгандаги баъзи ҳодисалар, фарзандлари билан бўлган муносабатлари ёки шахсий ҳаётидаги учрашувлар ва ҳоказо.

Адиба ўз қаҳрамонлари образларини шакллантиришда таъриф-тавсиф услуби, портрет характеристикаси, нутқий характеристика, психологик ҳолат, ички монолог ва бошқа бир қатор усуллардан ўз ўрнида моҳироналик билан фойдаланади.

Адибалар Лайло ал-Усмон, Сурайё ал-Бақсамий ва Фотима Юсуф Али ижтимоий ва инсоний ахлоқий қадриятларга нисбатан ўзининг қатъий нуқтаи назарига эга. Уларнинг ҳикоялари турли-туман образларга бой. Уларни матнда турли вазифа бажариши, энг аввало, муаллифаларни асарлари олдига қўйган мақсади билан боғлиқ. Ғоявий-эстетик мазмун мужассамининг ифодаси бўлган бу образлар аниқ-индивидуал шаклда ҳам, ассоциатив фикрлаш орқали умумлашган ҳолда ҳам мураккаб ҳаётий ҳодисаларни ифода этади. Лайло ал-Усмоннинг эпик ҳикоялари бутун моҳияти билан яхлит бир образни очиб беришга қаратилса, Сурайё ал-Бақсамий образлари кўп ҳолларда предметли (тимсол-персонажлар, тимсол-деталлар, тимсол-ҳолатлар), улар алоҳида рамзий характерга эга бўлиб, воқеликни аниқ белгилайди. Лайло ал-Усмоннинг умумлашган мазмуний образлари эса ҳаётнинг қонунийлигини муайян вақт ва муайян муҳитга тақамай, воқеликнинг у ёки бу муаммосига муаллиф муносабатини очиб

беради ва муаллиф томонидан воқеликни ҳиссий қайта фикрлашдан келиб чиқиб жавоб беради.

Адибалар ўз ҳикояларида қаҳрамонларнинг ички дунёсини ифодалаб баёнда нозик психологик таҳлил орқали ҳикоячи образи муаллифга қанчалик яқинлигини намоён қилади. Аммо Лайло ал-Усмон ҳикояларида ҳикоячи образи муаллиф билан бирлашган эмас. Сурайё ал-Бақсамийнинг ҳикояларида эса автобиографик унсурлар кўпроқ учрайди.

Адибалар ижоди асосан ижтимоий таҳлилга ҳамда ҳаётни ўз ҳаёт шаклида тасвирлашга йўналтирилган реализм контекстига ҳамоҳангдир. Шу билан бирга уларнинг асарлари ичида воқеликни мифлаштириш ёки асотирлаштиришга мойил ҳикоялар ҳам учрайди. Бундай ҳикоя образлари эса онгости ва кўп сонли ассоциацияларнинг воситаси орқали ўзига хос маъно фонига эга бўлади.

Ёзиш технологиясида адибалар аниқ услубдан мураккаб услубга тараққий этилиши кузатилади. 80-90-йилларда улар модернизм ва постмодернизм учун хос бўлган услублардан фойдаланади. Булар қаторига фрагментарлик, вақт ва маконда эркин силжиш, ички монолог, онг оқими, коллаж ва бир қатор бошқа услублар, бундан ташқари магик (мўъжизакор) реализм учун хос бўлган воқеликка фантастик ва ғайриоддий унсурларни киритишни ҳам кузатамиз.

Адибалар Лайло ал-Усмон,Фотима Юсуф Али ва Сурайё ал-Бақсамий ўз ижодий фаолиятлари билан адабиётга, хусусан, Кувайт ҳикоянавислиги такомилига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Кувайт ҳикоянавислиги ярим асрлик давр мобайнида анъанавий сюжетли ҳикоядан турли ижодий йўналишлар тажрибасига асосланган, мураккаб техника усулларга эга бўлган ҳикоя даражасига кўтарилди. 60-йиллар учун хос бўлган воқеабанд ҳикоя қонунларини бузувчи баъзи шаклий изланишлар, Кувайт ёзувчиларига имкониятлари кенгайган реалистик санъат нуқтаи назаридан тез ўзгараётган реалликни тасвирлашга тўсқинлик қилмади. Бу шаклий изланишлар, асосан, атрофдаги воқеликка субъектив муносабат орқали ёндошишга, ички дунёқарашни ифодалашга таяниб, жаҳон адабиёти анъаналарига, шу жумладан, модернизм ва постмодернизм оқимлари усулларидан кенг фойдаланишга имкон яратди. Бу эса, охир-оқибат Кувайт насрининг бадиий услублари ривожланишига, шаклининг такомиллашуви ва бадиий тилининг бойишига олиб келди. Замонавий Кувайт новеллистикаси миллий ўзлигини йўқотмасдан ички монолог, коллаж, ассоциация, онг оқими ва бошқа кўплаб ифодалаш воситаларини қўллашда жаҳон адабиётининг ютуқларини ўзлаштирмоқда. Бу эса араб бадиий

адабиёти тилининг янги заҳираларини очиб беришга кўмаклашмокда ва умумжаҳон адабий жараёни ўзанига кириб такомиллашмокда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Братья Гонкур. Жермини Ласерти. Франция,1864.
2. Ибтисом Абдуллоҳ Абдуллатиф. Қизчанинг хотиралари. Қоҳира, 1948.
3. Пруст М. В поисках утраченного времени. Франция, 1972.
4. Флобер Г. Госпожа Бовари. Франция, 1856.
5. Хайфа Ҳошим. Даҳшатли қасос (الانتقام العنيف). Кувайт, 1952.
6. البقصمى ثريا. العرق الأسود. مجموعة قصصية. – الكويت،1977
7. ذاكرة للمستقبل. موسوعة الكاتبة العربية. الفصل السابع الجزيرة و الخليج، القاهرة،٢٠٠٢
8. العثمان ليلى. الحب في الحظة الأخيرة. ذاكرة للمستقبل. موسوعة الكاتبة العربية. القاهرة، ٢٠٠٣.
9. العثمان ليلى. النمل الأشقر. الأدب و النصوص للصف الرابع الثانوي. الكويت، ١٩٨٩-١٩٩٠.
10. العثمان ليلى. امرأة في إنا. مجموعة قصصة. الكويت، صدرت عام ١٩٨١.
11. العثمان ليلى. فتحية تختار موتها. مجموعة قصصى. مصر، صدر عام ١٩٨٧.
12. غلوم ابراهيم عبد الله. القصة القصيرة في الخليج العربى. كويت و البحرين، ١٩٨١
13. فاطمة يوسف على، تاء مربوطة. قصة القصيرة. القاهرة، 2001.
14. اكتوبر نصيف منير .. و انهارات قصور الأحلام. العربى. 1984.
15. هدية سلطان السالم، خريف بلا مطر، المجموعة القصصية، الكويت، ١٩٧٤.

Ш. Аҳмедова

Кувайт адибалари ҳикояларида тадрижий ривож

Ушбу мақолада араб насрининг салмоқли қисмини ташкил этган Кувайт ҳикоянавислиги тараққиётига ҳисса қўшган адибалар ижоди тадқиқ этилган. Шунингдек, уларнинг асарларидаги образлар тизими, ғоявий-эстетик таъсирчанлиги, анъанавийлик ва новаторлик, аёл образининг тадрижий ривожи каби бадиият масалалари кўтарилган.

Калит сўзлар: *Кувайт ҳикоянавислиги, адибалар ижоди, модернизм, реализм, мажоз, рамзий образлар, умуминсоний қадриятлар, бадиий метод, қаҳрамон шахсияти.*

Ш. Ахмедова

Эволюционное развитие в рассказах кувейтских писательниц

В этой статье рассматриваются исследования рассказов писательниц, внёсших большой вклад в формирование и развитие кувейтской новеллистики, составляющей значительную часть современной арабской прозы. Также были подняты проблемы художественности и идейно-эстетического воздействия их образов, типологическая общность и, одновременно, своеобразие.

Ключевые слова: *кувейтская новеллистика, женское литературное творчество, модернизм, реализм, метафора, символические образы, общечеловеческие ценности, художественный метод, личность героя.*

Sh. Akhmedova

Evolutionary development in the stories of Kuwaiti writers

This article examines the research of the writer's stories, which made a great contribution to the formation and development of Kuwaiti short stories, which constitute a significant part of modern Arabic prose. The problems of artistry and the ideological and aesthetic impact of their images, typological generality and, at the same time, originality were also raised.

Key words: *Kuwait narrative, women's creativity, modernism, realism, trope, symbolic images, human values, artistic method, hero's personality.*